

конверсион операциялар бўлими – тижорат банкининг Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини нақд пулсиз шаклда валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш хизматларини кўрсатиш учун тузилган таркибий тузилма.

валюта айирбошлаш шохобчаси – жисмоний шахслардан нақд ва халқаро тўлов карталаридаги чет эл валютасини нақд миллий валютага айирбошлаш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига нақд чет эл валютасини сотиш операцияларни амалга оширувчи турғун шохобча.

шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет.

якка тартибдаги тадбиркор – юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор.

операцион кун – жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун тижорат банки томонидан белгиланган вақт;

халқаро тўлов картаси – халқаро тўлов тизимлари билан келишувга асосан Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган чет эл валютасидаги халқаро тўлов картаси;

қимматликлар – миллий ва чет эл валюталари.

Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари тижорат банклари томонидан чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланади.

Конверсион бўлимнинг фаолиятини ташкил қилиш

Конверсион бўлим стэндида қуйидагилар маълумотлар бўлиши лозим:

конверсион бўлимнинг иш вақти;

чет эл валютасини сотиб олиш ва уларга сотиш тартиби;

чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш курслари;

конверсион бўлим томонидан амалга ошириладиган операциялар турлари;

банк томонидан очиладиган халқаро тўлов карталари, уларнинг имкониятлари ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

халқаро тўлов картасини очганлик учун ундириладиган воситачилик ҳақи миқдори.

Конверсион бўлимда чет эл валютасини сотиш операциясини амалга ошириш

Чет эл валютасини сотиш конверсион бўлимлар томонидан халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

Жисмоний шахс ва ЯТТ чет эл валютасини сотиб олиш учун конверсион бўлимга шахсини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этади ва конверсион бўлим мутахассиси ҳужжатнинг нусхасини қабул қилиб олади.

Жисмоний шахсининг банк картаси мавжуд бўлмаган тақдирда, конверсион бўлим мутахассиси томонидан жисмоний шахсга пластик карталар бўлимига мурожаат этиб, ўз номига белгиланган тартибда банк картасини очиш таклиф этилади. ЯТТ чет эл

валютасини сотиб олиш учун пул маблағларини ўзининг тегишли ҳисобварағидан ўтказди.

Миллий валютадаги маблағ тижорат банкининг операция бажариладиган кундаги чет эл валютасини сотиш курси бўйича тўлов терминали орқали жисмоний шахсга тегишли банк картасидан ечиб олинади ва унга миллий валютадаги маблағ ечиб олинганлиги тўғрисидаги терминал чекининг асл нусхаси берилади.

Жисмоний шахс ёки ЯТТнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидаги тегишли маълумотлар конверсион бўлим мутахассислари томонидан электрон тизимга киритилади. Бунда 09017-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. Маълумотномалар бўлим мутахассиси, тегишлича жисмоний шахс ёки ЯТТ томонидан имзоланиб, уларга мутахассиснинг шахсий ва бўлим штамплари босилади. Маълумотноманинг бир нусхаси тегишлича жисмоний шахсга ёки ЯТТга берилади.

Чет эл валютаси 09017-шаклдаги маълумотнома ва миллий валютадаги терминал чеки ёки пул маблағлари тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати асосида халқаро тўлов картасига ўтказиб берилади.

Жисмоний шахс ёки ЯТТнинг халқаро тўлов картаси мавжуд бўлмаганда, банк ва жисмоний шахс ёки ЯТТ ўртасида чет эл валютасида банк ҳисобварағини очиш тўғрисида икки томонлама шартнома тузилади ҳамда конверсион бўлим мутахассиси томонидан шартномага асосан унинг номига чет эл валютасида банк ҳисобварағи очилади. Шартноманинг бир нусхаси жисмоний шахсга ёки ЯТТга берилади, иккинчи нусхаси эса, кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади. Шартномалар давлат тилида тузилади, зарур ҳолларда, рус ёки қорақалпоқ тилида ҳам тузилиши мумкин.

Халқаро тўлов карталаридаги чет эл валютасини сотиб олиш операцияларини амалга ошириш

Жисмоний шахс ёки ЯТТ халқаро тўлов картасидаги чет эл валютасини сотиш учун тижорат банкининг исталган конверсион бўлимига мурожаат этади. Бунда конверсион бўлимнинг мутахассиси томонидан халқаро тўлов картасининг ҳақиқатда ушбу жисмоний шахс ёки ЯТТга тегишлилиги унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида текширилади.

Тижорат банки жисмоний шахс ёки ЯТТнинг халқаро тўлов картасидаги чет эл валютасини операция амалга ошириладиган кундаги чет эл валютасини сотиб олиш курсига мувофиқ бажаради. Бунда жисмоний шахс ёки ЯТТнинг халқаро тўлов картасидаги чет эл валютаси доирасида, маблағлар тўлиқ ёки қисман миллий валютага айирбошланиши мумкин. Чет эл валютаси тўланганлигини тасдиқловчи терминал чекининг асл нусхаси ёки уларнинг ҳисобварағидан тўланган тақдирда, банкнинг ички тўлов ҳужжати берилади.

Чет эл валютаси конверсион бўлимнинг мутахассиси томонидан тегишли маълумотларни электрон тизимга киритиш орқали харид қилинади. Бунда 09020-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. Маълумотномалар бўлим мутахассиси ва жисмоний шахс ёки ЯТТ томонидан имзоланиб, уларга мутахассиснинг шахсий ва бўлим штамплари босилади. Маълумотноманинг бир нусхаси жисмоний шахсга ёки ЯТТга берилади.

Жисмоний шахслар халқаро тўлов карталаридаги чет эл валютасини валюта айирбошлаш шохобчалари орқали нақд миллий валютага айирбошлашлари мумкин.

Кун охирида конверсион бўлим мутахассиси томонидан жисмоний шахс ва ЯТТнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари нусхалари, ЯТТнинг гувоҳнома нусхалари, терминал чеклари ва банк ички тўлов ҳужжатлари тегишли бўлимга тақдим этилади. Тақдим этилган ҳужжатларга асосан жисмоний шахснинг банк картасига, ЯТТнинг ҳисобварағига миллий валюта ўтказиб берилади.

Валюта айирбошлаш шохобчаси ишини ташкил қилиш

Валюта айирбошлаш шохобчасида қуйидаги операциялар амалга оширилади:

жисмоний шахслардан ва норезидент-жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини нақд миллий валютага сотиб олиш;

норезидент-жисмоний шахсларга чет эл валютасини сотиш;

жисмоний шахсларнинг ва норезидентларнинг халқаро тўлов карталаридаги чет эл валютасини нақд миллий валютага айирбошлаб бериш;

жисмоний шахслардан ва норезидентлардан чет эл валютасини инкассога қабул қилиш;

ҳақиқийлиги шубҳа туғдирган чет эл валюталарини жисмоний шахслардан ва норезидентлардан экспертизага қабул қилиш;

жисмоний шахсларнинг ва норезидентларнинг чет эл валютасини ўша чет эл валютасига майдалаб ёки йирик пул миқдорида бериш;

Валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширганлик учун воситачилик ҳақи ундирилиши мумкин, чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш операциялари бундан мустасно.

Валюта айирбошлаш шохобчаси мижозларнинг танишиб чиқиши учун қулай бўлган жойга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган стенд билан жиҳозланади:

валюта айирбошлаш шохобчасининг иш вақти;

чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари;

мазкур валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан амалга ошириладиган валюта айирбошлаш операциялари;

пул белгиларининг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқчилигини аниқлаш қоидалари;

жисмоний шахслардан ва норезидентлардан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартиби;

валюта айирбошлаш операциялари учун ундириладиган воситачилик ҳақи миқдори;

валюта айирбошлаш шохобчасининг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.